

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АКБАРОВ НОДИР ГАФУРОВИЧ**

**ПАХТАНИ ДАСТЛАБКИ ҚАЙТА ИШЛАШ**  
**КОРХОНАЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ**  
**МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯЛАРИ**

**08.00.11– Маркетинг**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in  
Economic Sciences**

**Акбаров Нодир Гафурович**

Пахтани дастлабки қайта ишлаш корхоналари рақобатбардошлигини  
оширишнинг маркетинг стратегиялари..... 3

**Акбаров Нодир Гафурович**

Маркетинговые стратегии повышения конкурентоспособности  
предприятий по первичной переработке хлопка ..... 25

**Akbarov Nodir Gafurovich**

Marketing strategies of increasing the cotton processing enterprises  
competitiveness ..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 51

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АКБАРОВ НОДИР ГАФУРОВИЧ**

**ПАХТАНИ ДАСТЛАБКИ ҚАЙТА ИШЛАШ**  
**КОРХОНАЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ**  
**МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯЛАРИ**

**08.00.11 – Маркетинг**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Iqt51 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tdiu.uz](http://www.tdiu.uz)) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ходиев Баходир Юнусович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Бекмуродов Адхам Шарипович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Нуримбетов Равшан Ибрагимович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdiu@tdiu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdiu@tdiu.uz).

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни таркатилди.

(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Т.Ш.Шодиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси  
ўринбосари, и.ф.д., профессор

**А.Н.Самадов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, и.ф.н., доцент

**М.А. Маҳкамова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д.,  
профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида пахтани дастлабки қайта ишлаш корхоналарида халқаро стандартларга мос равишда юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва рақобатбардошлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада АҚШда кўп функцияли бизнес технологияси асосига қурилган маркетинг тизими, Германияда маҳсулотларни сотиш тизими самарадорлигини оширишда маркетинг воситалари, Жанубий Кореяда эса саноат корхоналари рақобатбардошлигини оширишнинг инновацион маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича катта тажрибалар тўпланган бўлиб, мазкур тажрибалар дунёдаги 1600 дан ортиқ пахтани қайта ишлаш ва йирик тўқимачилик корхоналарининг маркетинг фаолиятига жорий этилган<sup>1</sup>.

Жаҳонда пахтани қайта ишлаш корхоналари рақобатбардошлигини оширишнинг маркетинг стратегияларини ишлаб чиқишда жаҳон пахта толаси бозоридаги талаб ва таклифнинг мувозанатини таъминлаш, мувозанатга таъсир кўрсатувчи омилларни таҳлил қилиш, кўп омилли регрессион моделларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ чуқур илмий таҳлилларни амалга оширишни тақозо этади. Иқтисодиётнинг глобллашуви шароитида маркетинг самарадорлигини ошириш имкониятларини излаб топиш, пахта тозалаш корхоналарининг стратегик салоҳиятини баҳолаш, унинг рақобатбардошлигини ошириш, пахтачилик тармоқлари ривожланишининг интеграциялашган маркетинг стратегияларидан фойдаланишнинг натижадорлигини оширишга қаратилган устувор йўналишлар бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистонда кейинги йилларда амалга оширилаётган жадал ислохотлар шароитида саноат корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш, маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш ва рақобатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, рақобатбардошлигини ошириш, замонавий юқори технологик асбоб-ускунлар билан жиҳозланган янги қайта ишлаш корхоналарини қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш»<sup>2</sup> билан боғлиқ вазифалар белгилаб берилди. Шу нуқтаи назардан пахтани дастлабки қайта ишлаш тармоғида рақобатбардошликни оширишнинг маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш, маркетинг тизими тамойиллари ва услубиёти негизида пахта тозалаш саноати ривожида рақобатбардошликнинг маркетинг стратегиясини шакллантириш усулларини такомиллаштириш талаб этилади. Бу эса, пахта толасининг сифати ва рақобат устуворлигини оширишга хизмат қилувчи, инновацион ёндашувлар асосидаги

<sup>1</sup>[www.kostat.go.kr](http://www.kostat.go.kr).

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

илмий изланишларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408-сонли «Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 19 июндаги ПФ-5087-сонли «Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2015 йил 27 октябрдаги ПФ-4761-сонли «Ўзпахтасаноатэкспорт холдинг компаниясини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 мартдаги ПҚ-3574-сонли «Пахта хомашёси ва бошоқли дон етиштиришни молиялаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 февралдаги 106-сонли «Ўзпахтасаноат акциядорлик жамияти корхоналарида ишлаб чиқарилган пахта толасини сотиш ва ҳисоб-китоблар механизмининг такомиллаштириш тўғрисида»ги, 2018 йил 10 майдаги 255-сонли «Навоий вилояти Қизилтепа туманида тажриба тариқасида пахта хомашёсини чуқур қайта ишлашни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу илмий тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Стратегик маркетинг ва бошқарувнинг умумий масалалари кўплаб хорижлик олимларнинг илмий асарларида кенг миқёсда ёритилган. Хусусан, хорижлик олимлардан Д. Аакер, И. Ансофф, Ж. Бернет, Ж. Дэй, П. Дойль, Б. Карлоф, Чан В. Ким, Ф. Котлер, К. Омае, М. Портер, Э. Райс, Ж. Траут, О. Уолкер ва Х. Хершгенни ажратиб кўрсатиш мумкин<sup>3</sup>.

МДҲ олимларидан ушбу соҳада Г.Л. Азоев, И.Л. Акулич, Г.Л. Багиев,

---

<sup>3</sup> Аакер Д.А., Кумар В., Дэй Дж. Маркетинговые исследования. – СПб.: Питер, 2004. – 848 с.; Ансофф И. Стратегическое управление / Пер. с англ. – М.: Экономика, 2013. – 285 с.; Бернет Ж., Мориарти С. Маркетинговые коммуникации: интегрированный подход / Пер. с англ. под ред. С. Г. Божук. – СПб.: Питер, 2001. – 864 с.; Дэй Ж. Стратегический маркетинг. – М.: ЭКСМО-Пресс, 2002. – 640 с.; Дойль П. Маркетинг-менеджмент и стратегии / 3-е изд. Пер. с англ. Под ред. Ю. Л. Каптуревского. – СПб.: Питер, 2003. – 544 с.; Карлоф Б. Деловая стратегия. – М.: Экономика, 2001. – 239 с.; Ким Чан В., Моборн Р. Стратегия голубого океана. Как найти или создать рынок, свободный от других игроков / Пер. с англ. И. Ющенко. – М.: Манн, Иванов и Фербер, 2017. – 336 с.; Котлер Ф. Основы маркетинга: Пер. с англ. – М.: Издательский дом «Вильямс», 2011. – 944с.; Омае К. Мышление стратега: Искусство бизнеса по-японски / Пер. с англ. – М.: Альпина Бизнес Букс, 2007. – 215 с.; Портер М. Э. Конкуренция/ Пер. с англ. – М.: Издательский дом «Вильямс», 2003. – 496 с.; Траут Джек, Райс Эл. Маркетинговые войны. – СПб.: Питер, 2014. – 304 с.; Уолкер О.-мл., Бойд Х.-мл., Ларше Ж.-К., Маллинз Дж. Маркетинговая стратегия. Курс МВА. – М.: Вершина, 2006. – 496 с.; Хершген Х. Маркетинг: Основы профессионального успеха: Учебник для вузов / Пер. с нем. – М.: ИНФРА-М, 2000. – 334 с.

И.К. Беляевский, Т.С. Бронникова, И.Н. Герчикова, Е.П. Голубков, А.А. Завгородняя, П.С. Завьялов, Ю.Б. Иванов, И.М. Лифиц, Е.И. Мазилкина, А.П. Панкрухин, Х.А. Фасхиев, Р.А. Фатхутдинов, Л.Н. Чайникова, В.Д. Шкардун, А.Ю. Юданов, Д.О. Ямпольская ва бошқаларнинг илмий ишлари, корхоналарнинг маркетинг фаолияти ва рақобатбардошлигини тадқиқ этишга бағишланган<sup>4</sup>.

Ўзбекистонда ҳам маркетингнинг назарий ва амалий жиҳатлари Г.Н. Ахунова, А.Ш. Бекмуродов, М.Р. Болтабаев, Ж.Ж. Жалолов, М.С. Қосимова, А.Солиев, Ш.Ж. Эргашходжаева, С.С. Ғуломов, А.А. Фаттахов, С.А. Салимов ва бошқаларнинг илмий тадқиқот ишларида ўз ифодасини топган<sup>5</sup>. Мамлакатимизда пахтачилик саноатининг экспорт салоҳиятини оширишда маркетинг стратегияларидан фойдаланиш масаласи М.Р. Болтабаев томонидан<sup>6</sup>, пахтачилик ва тўқимачилик маҳсулотларининг халқаро маркетинг стратегиясини шакллантириш масалалари З.Д. Адилова томонидан<sup>7</sup>, Ўзбекистон пахта толаси рақобатбардошлигини оширишнинг маркетинг жиҳатлари эса И.К. Шодиметов<sup>8</sup> томонидан ўрганилган.

Иқтисодийётга оид адабиётларда пахтани дастлабки қайта ишлаш саноати корхоналарида маркетинг фаолиятини ташкил этиш ва унинг ўзига хос

---

<sup>4</sup> Азоев Г.Л. Конкуренция: анализ, стратегия и практика. – М.: Центр экономики и маркетинга, 2013. – 208 с.; Акулич И.Л. Маркетинг: Учебник / 2-е изд. перераб. и доп. – Минск: Вышэйшая школа, 2002. – 447 с.; Багиев Г.Л., Тарасевич В.М., Анн Х. Маркетинг: Учебник для вузов. – СПб.: Питер, 2006. – 733 с.; Беляевский И. К. Маркетинговые исследования: информация, анализ, прогноз. – М.: Финансы и статистика, 2001. – 320 с.; Бронникова Т.С. Маркетинг: теория, методика, практика: Учеб. пособие. – М.: КноРУС, 2008. – 207 с.; Герчикова И.Н. Менеджмент: Учебник / 4-е изд., перераб. и доп. – М.: Юнити-Дана, 2012. – 511 с.; Голубков Е.П. Маркетинговые исследования: теория, методология и практика. – М.: Финпресс, 2008. – 414 с.; Завгородняя А.А., Ямпольская Д.О. Маркетинговое планирование. – СПб.: Питер, 2002. – 352 с.; Завьялов П.С., Демидов В.Е. Формула успеха: Маркетинг. – М.: Международные отношения, 1991. – 416 с.; Иванов Ю.Б., Тищенко А.Н., Дробитько Н.А. и др. Конкурентоспособность предприятия: оценка, диагностика, стратегия: Монография. – Харьков, ХГЭУ, 2003. – 349 с.; Лифиц И.М. Теория и практика оценки конкурентоспособности товаров и услуг. – М.: Юрайт, 2001. – 221с.; Мазилкина Е.И., Паничкина Г.Г. Управление конкурентоспособностью. – М.: Омега-Л, 2009. – 328 с.; Панкрухин А.П. Маркетинг. Гильдия маркетологов / 3-е изд. – М.: Омега-Л, 2005. – 185 с.; Фасхиев Х.А. Определение конкурентоспособности предприятия // Маркетинг в России и за рубежом. – 2009. – №4. – С. 75-83.; Фатхутдинов Р.А. Стратегическая конкурентоспособность. – М.: ЗАО Издательство «Экономика», 2005. – 504 с.; Чайникова Л.Н., Чайников В.Н. Конкурентоспособность предприятия: Учеб. пособие. – Тамбов : Изд-во Тамб. гос. техн. ун-та, 2007. – 192 с.; Шкардун В.Д. Маркетинговые основы стратегического планирования: теория, методология, практика: Монография. – М.: Дело, 2005. – 376 с.; Юданов А.Ю. Конкуренция: теория и практика: Учеб.-практ. пособие / 3-е изд. испр. – М.: Изд-во ГНОМ и Д, 2001. – 304 с.

<sup>5</sup> Ахунова Г.Н. Маркетинг: Учеб. пособие. – Т.: ТФИ, 2005. – 260 с.; Бекмуродов А.Ш., Янг Сон Бе. Стратегия развития текстильной промышленности Узбекистана: Кластерный подход. Монография. – Т.: ТГЭУ, 2006. – 112 с.; Болтабаев М.Р. Тўқимачилик саноатида маркетинг стратегияси. Монография. – Т.: ФАН, 2004. – 223 б.; Жалолов Ж., Аҳмедов И. Маркетинг тадқиқотлари, - Т.: Билим, 2005.; Qosimova M.S., Ergashxo'jaeva Sc., Abduxalilova L., Muxitdinova V., Yuldashiev M. Strategik marketing. – Т.: O'qituvchi, 2004. – 215 b.; Солиев А. Маркетинг, бозоршунослик. – Тошкент: Адолат, 2008. – 237 б.; Эргашходжаева Ш. Инновацион маркетинг. – Тошкент: Чўлпон, 2014. – 178 б.; Фаттахов А.А. Стратегии маркетинга в оптовой торговле и пути повышения её эффективности. Автореф. дис. ... д.э.н. – Ташкент, 2004. – 42 с.

<sup>6</sup> Болтабаев М.Р. Пахта толаси экспортида маркетинг самарадорлиги (Ўзбекистон Республикаси мисолида): икт.фан.ном. ... диссертация. – Т.:ТДИУ, 1999. – 152 б.

<sup>7</sup> Адилова З.Д. Халқаро бозорларда маркетинг стратегияси: назария ва амалиёт. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2009. – 282 б.

<sup>8</sup> Шодиметов И.К. Жаҳон бозорида Ўзбекистон пахта толаси рақобатбардошлигини оширишнинг маркетинг жиҳатлари: и.ф.н. ... дис. автореферати. – Т.:ТДИУ, 2004. – 24 б.

жиҳатлари масаласига ҳанузгача етарлича эътибор қаратилмаган. Ушбу йўналишда олиб борилган илмий тадқиқот ишлари асосан пахта толаси ҳамда пахта тозалаш корхонаси рақобатбардошлигини тавсифловчи омилларга боғланмаган ҳолда маркетинг тизимининг айрим жиҳатларига ёки пахта толаси экспорти самарадорлигини баҳолашга бағишланган.

Шуларни ҳисобга олганда, пахтани дастлабки қайта ишлаш корхоналари рақобатбардошлигини оширишнинг маркетинг стратегиясини шакллантириш ҳамда уни амалиётда қўллашни назарий-услубий жиҳатдан тадқиқ этиш диссертация мавзусининг долзарблигини белгилайди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий тадқиқот ишлари режасининг «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник, технологик қайта жиҳозлашда, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини тезкор янгилашда инновацион маркетинг ва менежмент концепцияларидан фойдаланиш методологияси» илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** пахтани дастлабки қайта ишлаш корхоналари рақобатбардошлигини оширишнинг маркетинг стратегияларини шакллантириш ва унинг самарадорлигини баҳолаш услубларини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** куйидагилардан иборат:

рақобат ва рақобатда устунликни таъминлаш категориялари моҳиятини ёритиб бериш;

товар ва корхона рақобатбардошлиги ва уларни шакллантириш омилларини тадқиқ этиш;

рақобатбардошликка эришишнинг маркетинг стратегиялари ва уларнинг бозорда барқарор устунликни таъминлашдаги ролини аниқлаш;

пахта толаси бозорини тадқиқ этиш услубини ишлаб чиқиш;

пахтани дастлабки қайта ишлаш корхонаси рақобатбардошлигининг маркетинг стратегияси самарадорлигини баҳолаш услубини ишлаб чиқиш;

жаҳон пахта толаси бозори конъюнктурасини таҳлил қилиш;

пахтани дастлабки қайта ишлаш корхонаси ташқи ва ички муҳити омилларининг корхона рақобатбардошлигига таъсирини баҳолаш;

пахтани дастлабки қайта ишлаш корхонаси рақобатбардошлигини ошириш стратегиясини танлашни асослаш ва иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида «Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамияти таркибига кирувчи корхоналарнинг маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш ва маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ фаолияти танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб, пахтани дастлабки қайта ишлаш корхоналари рақобатбардошлигининг маркетинг стратегиясини шакллантириш жараёнидаги иқтисодий-ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида иқтисодий-статистик таҳлил, статистик маълумотларни гуруҳлаш, SWOT-таҳлил, график талқин, қиёсий таҳлил, эксперт баҳолаш каби усуллардан фойдаланилди.



**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

пахтани дастлабки қайта ишлаш корхоналарининг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган «микс» ва «ўзаро муносабатлар» стратегиялари таваккалчиликларни бартараф этиш, ахборотлар логистика тизимини ташкил қилиш, пахта толасининг қадоқланишини яхшилаш ҳисобига олинган фойда омилларини (ўзгарувчиларни) акс эттириш орқали такомиллаштирилган;

пахтани дастлабки қайта ишлаш корхоналарининг рақобатли устунлигини таъминлашда фойдаланиладиган диверсификация, дифференциация, нисбий устунлик ва фокуслаш стратегиялари «кўпбурчакли модел» усулини қўллаш орқали такомиллаштирилган;

пахтани дастлабки қайта ишлаш корхоналарининг «бозор чуқурчаси»ни прогнозлаш ва ишлаб чиқаришни мақсадли ташкил этиш асосида фойдани оширишга имкон берувчи майдон ва корхоналар фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг бозор сегментидаги даражасини баҳолаш ва хусусий мезонлар сифатида нофаол («мавқеини сақлаб қолиш», «айланиб ўтиш») ҳамда фаол («кучларни бирлаштириш», «ёриб ўтиш») стратегиялари тавсия этилган;

пахтани дастлабки қайта ишлаш корхоналарининг рақобатбардошлигини баҳолашнинг стандартлаштириш ва жамлама гуруҳ кўрсаткичлари рейтинг тизимини шартли-етақчи усул орқали ҳисоблаш модели таклиф этилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

пахтани дастлабки қайта ишлаш корхоналари ички ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш услуби асосида рақобатбардошликни оширишни таъминловчи ички имкониятлардан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

рақобатбардошликнинг маркетинг стратегиясини қўллаш орқали «Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамиятининг истиқболда ривожланиш вариантлари таклиф этилган;

пахтани дастлабки қайта ишлаш корхоналари рақобатбардошлигини оширишнинг тизимли-мақсадли ёндашувга асосланган ташкилий-иқтисодий механизми ишлаб чиқилган;

пахтани дастлабки қайта ишлаш корхоналари рақобатбардошлигини оширишнинг маркетинг стратегияси самарадорлигини баҳолаш услуби таклиф этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, рақобатли маркетинг стратегиясини шакллантириш борасидаги мавжуд илмий тадқиқот ишлари қиёсий таҳлил қилинганлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари ҳамда бошқа расман эълон қилинган амалий маълумотлар таҳлиliga асосланганлиги ва тегишли хулосалар, таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти пахтани дастлабки қайта ишлаш корхоналари рақобатбардошлигининг маркетинг стратегиясини шакллантириш усуллари ва

механизмлари тўғрисида илмий-назарий, илмий-услубий билимлар доирасини кенгайтиради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, пахтани дастлабки қайта ишлаш корхоналарида маркетинг стратегиясини амалиётда қўллаш, ушбу корхоналарнинг мавжуд имкониятларидан самарали фойдаланиш ва уни янада яхшилаш билан бирга ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ёрдамида янги турдаги ишлаб чиқариш фаолиятларини йўлга қўйиш орқали ўз даромадларини ошириш, янги иш ўринларини яратиш ҳамда янги бозор сегментларини эгаллаш бўйича вариантларни танлашга имконият яратади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Пахтани дастлабки қайта ишлаш корхоналари рақобатбардошлигини оширишнинг маркетинг стратегияларини такомиллаштириш юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

пахтани дастлабки қайта ишлаш корхоналарининг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган «микс» ва «ўзаро муносабатлар» стратегиялари таваккалчиликларини бартараф этиш, ахборотлар логистика тизимини ташкил қилиш, пахта толасининг қадоқланишини яхшилаш ҳисобига олинган фойда омилларини (ўзгарувчиларни) акс эттириш орқали такомиллаштириш бўйича берилган таклифлар «Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамияти таркибидаги корхоналар фаолиятига жорий этилган («Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамиятининг 2018 йил 17 июлдаги 01-22/4302-сон маълумотномаси). Ушбу таклифни амалиётга жорий этиш натижасида корхоналарнинг рақобат устунлигини таъминлаш даражаси 10-15 фоизга ошган ва ноишлаб чиқариш харажатлари 14-16 фоизга камайган;

пахтани дастлабки қайта ишлаш корхоналарининг рақобатли устунлигини таъминлашда фойдаланиладиган диверсификация, дифференциация, нисбий устунлик ва фокуслаш стратегияларини «кўпбурчакли модел» усулини қўллаш орқали такомиллаштириш бўйича берилган тавсиялар «Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамияти таркибидаги корхоналар фаолиятига жорий этилган («Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамиятининг 2018 йил 17 июлдаги 01-22/4302-сон маълумотномаси). Ушбу тавсияларини амалиётга татбиқ этиш пахтани дастлабки қайта ишлаш корхоналарида тола сифатини ошириш бўйича тадбирлар тизимини оптималлаштириш ва корхона рақобатбардошлигини ошириш имкониятини берган;

пахтани дастлабки қайта ишлаш корхоналарининг «бозор чуқурчаси»ни прогнозлаш ва ишлаб чиқаришни мақсадли ташкил этиш асосида фойдани оширишга имкон берувчи майдон ва корхоналар фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг бозор сегментидаги даражасини баҳолаш ва хусусий мезонлар сифатида нофаол («мавқеини сақлаб қолиш», «айланиб ўтиш») ҳамда фаол («кучларни бирлаштириш», «ёриб ўтиш») стратегиялари «Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамияти таркибидаги корхоналар фаолиятига жорий этилган («Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамиятининг 2018 йил 17 июлдаги 01-22/4302-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши корхона даромадининг 8-12% га ошишини таъминлаган;

пахтани дастлабки қайта ишлаш корхоналарининг рақобатбардошлигини баҳолашнинг стандартлаштириш ва жамлама гуруҳ кўрсаткичлари рейтинг тизимини шартли-етақчи усул орқали ҳисоблаш модели «Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамияти таркибидаги корхоналар фаолиятига жорий этилган («Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамиятининг 2018 йил 17 июлдаги 01-22/4302-сон маълумотномаси). Пахтани дастлабки қайта ишлаш корхоналарининг рақобатбардошлигини рейтинг тизими асосида баҳолаш модели ва пахтани дастлабки қайта ишлаш корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш бўйича маркетинг стратегиялари самарадорлигини баҳолаш алгоритми корхона фаолиятига жорий этилганда корхонанинг сотиш харажатлари 10-12 % га камайган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 8 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий анжуманда маъруза қилинган ва маъқулланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация ишининг асосий мазмуни бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган, жумладан, миллий журналларда 9 та ва хорижий журналларда 2 та илмий мақола, илмий-амалий конференция тўпламларида эса 11 та маъруза тезислари нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг умумий ҳажми 150 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ҳамда тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Корхона рақобатбардошлиги ва стратегик ривожланишининг назарий асослари»** деб номланган биринчи бобда рақобат ва рақобатбардошлик категориялари моҳиятини изоҳлаб бериш, рақобат ва рақобатда устунликни таъминлашни тадқиқ этиш, товар ва корхона рақобатбардошлиги ва уларни шакллантириш омилларини ўрганиш, рақобатдаги маркетинг стратегиялари ва уларнинг барқарор рақобатбардошликка эришишдаги ролини аниқлаш масалалари ёритилган.

Замонавий иқтисодий адабиётларда рақобат тўғрисидаги мавжуд кўплаб таъриф ва талқинларни турларга ажратиш ва тизимлаштириш амалга оширилган. Уларни таҳлил қилиш рақобатнинг умумий моҳиятини изоҳлаб беришда иқтисодчилар қуйидаги учта ёндашувни амалга оширганлигига гувоҳ бўлдик: хулқ-атворий, таркибий ва мажмуавий. Диссертацияда рақобатга берилган таъриф ва фикрларга таяниб, қатор умумлаштирилган хулосалар қилинган.

Илмий манбалар таҳлиliga кўра, ҳозиргача рақобат турлари ва шакллари гуруҳларга ажратиш бўйича ягона фикр мавжуд эмас. Диссертацияда илмий тушунчаларни таснифлаш назариясининг асосий қоидаларидан келиб чиққан тадқиқотчилар томонидан таклиф этилган рақобат турларини гуруҳлаш ва таснифлаш усуллари таҳлил қилинган. Таснифлашнинг барча усуллари тенг қийматли деб тан олиш мумкин эмас. Шунинг учун, аниқлаштирувчи қийматга эга ва ёрдамчи таснифлаш усуллари ажратиш зарурати юзага келади. Амалиётда рақобатнинг жадаллилик даражаси мунтазам ортиб бормоқда. Бу борада, фикримизча, бозор иштирокчиларининг хатти-ҳаракат тавсифлари ҳамда уларда юз берувчи рақобат муносабатларининг жадаллик даражасини акс эттирувчи гуруҳлашларни муҳим деб ҳисоблаш лозим. Бошқа кўриб чиқилган белгиларга кўра, гуруҳлашларни ёрдамчи услублар қаторига қўшиш лозим.

Диссертацияда хорижий тадқиқотчиларнинг<sup>9</sup> рақобат муносабатлари билан боғлиқ илмий ишларини умумлаштириш асосида рақобатда устунликнинг моҳияти изоҳлаб берилган.

Шуларга асосланиб, илмий ишда биз томонимиздан маркетинг

---


<sup>9</sup> Мескон М.Х., Альберт М., Хедоури Ф. Основы менеджмента / Пер. с англ. – М.: Дело, 1992. – 699с.; Карлоф Б. Деловая стратегия. – М.: Экономика, 2001. – 239 с.; Маркин Р. Управление розничной торговлей / Сокр. пер. с англ. – М.: Экономика, 2000. – 270с.; Портер М.Э. Конкуренция/ Пер. с англ. – М.: Издательский дом «Вильямс», 2003. – 496 с.

стратегиясини танлашда муҳим ўрин тутувчи рақобатбардошлик таърифлари таклиф этилган.

Товар рақобатбардошлиги – маълум вақт оралиғида динамикага эга ушбу бозор талаби ва истеъмолчилар баҳосига сифат ва миқдор тавсифлари юқори даражада мос келиши натижасида товарнинг бошқа шу каби товарларга нисбатан истеъмолчилар учун жозибали бўлиш қобилияти.

Корхона рақобатбардошлиги – рақобат стратегияларини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш асосида ташқи муҳитга зарар етказмайдиган ва унинг иштирокчилари томонидан баҳоланувчи динамик кўринишдаги шу каби бошқа хўжалик субъектларига нисбатан аҳоли эҳтиёжларини юқори даражада қондириш, фаолият самарадорлиги, бозор ўзгаришларига мослашувчанлиги бўйича устунлик қобилиятидир.

Пахтани дастлабки қайта ишлаш корхоналари бир қатор хусусиятларга эга ва унинг рақобатбардошлигига таъсир этувчи омиллар ўзига хосдир. Шуларни ҳисобга олиб, диссертацияда маркетинг стратегияларини ишлаб чиқишга ёндашувлар кўриб чиқилди. Шулардан келиб чиқиб, пахтани дастлабки қайта ишловчи корхоналар ҳамда пахта маҳсулотларининг бозорда рақобатбардошлигини таъминлаш стратегиясини ишлаб чиқишнинг концептуал модели таклиф этилди (1-расм).



1-расм. Пахтани дастлабки қайта ишловчи корхонанинг рақобат устунлигини таъминлаш стратегиясини ишлаб чиқишнинг концептуал модели<sup>10</sup>.

<sup>10</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ушбу модель ўзаро боғлиқ бир неча босқичлардан ташкил топган бўлиб, унда асосий эътибор маркетинг нуқтаи назаридан пахта саноати корхоналари ва улар ишлаб чиқарган пахта маҳсулотларини ички ва ташқи бозорда биринчидан, миждозга йўналтирилган стратегияга ва иккинчидан, рақиблар билан рақобатга йўналтирилган стратегияга эга бўлишига қаратилган. Бунда корхона рақобатбардош бўлиши унинг ишлаб чиқараётган пахта толаси ва бошқа маҳсулотлари рақобатбардош бўлиши керак. Бу пахта толасининг нави ҳамда саноат навларини табақалаштириш стратегиясини қўллашни тақозо этади. Шу орқали корхона бозорда ёки унинг айрим сегментларида миждозга йўналтирилган ёки кам харажатга эришиш орқали рақобат устунлигига эга бўлади.

Пахтани бирламчи қайта ишловчи корхона мамлакатдаги ва хорижий давлатлардаги рақиб корхоналар маҳсулот (тола) сифати ҳамда унинг қиймати орқали пахта бозорида рақобат устунлигига эга бўлиши учун кураш олиб боради. Уни таъминлаш учун рақобатбардошлик омиллари даражаси юқори бўлиши талаб этилади. Шунини ҳисобга олиб, ички бозор ҳамда дунё пахта бозори талаблари алоҳида мақсадли сегментлар сифатида маркетинг стратегияларига эга бўлиши керак.

Диссертациянинг **«Пахтани дастлабки қайта ишлаш корхоналари рақобатбардошлиги ҳамда маркетинг стратегиялари самарадорлигини баҳолаш услублари»** деб номланган иккинчи бобида пахта толаси бозорини тадқиқ этиш ҳамда пахта толаси ва пахтани дастлабки қайта ишлаш корхонаси рақобатбардошлигини баҳолаш, унинг рақобатбардошлик маркетинг стратегияси самарадорлигини баҳолаш услубларини ишлаб чиқиш масалалари баён этилган.

Олиб борилган тадқиқот натижалари кўрсатадики, корхона рақобатбардошлигини шакллантиришнинг ташқи омил сифатида унинг бозор муҳитини анъанавий тарзда таҳлил қилишда кўплаб тадқиқотчилар бозорнинг устунликка эришиш моделини баҳолайдилар<sup>11</sup>. Макроиктисодиёт нуқтаи назаридан бундай ёндашувнинг афзаллик томонларини эътироф этган ҳолда таъкидлаш лозимки, микродаражада бозор модели фаолият шароити тўғрисида умумий тасаввурни бериши мумкин. Шу боисдан, бозорни унинг тоифаси устунлиги нуқтаи назаридан, рақобатчиларга қийинлаш орқали корхона маркетинг фаолияти натижавийлиги нуқтаи назаридан баҳолаш лозим. Рақобат муҳитини таҳлил қилиш амалиётида рақобатнинг монопольлик ва жадаллик даражасини баҳолашда қуйидаги бир қанча кўрсаткич ҳамда индекслардан фойдаланилади: йириклашиш индекси, нисбий йириклашиш коэффициенти, Херфиндал-Хиршман индекси, Джини коэффициенти, максимал улуш индекси.

Таъкидлаш жоизки, ушбу индекслар бозорда пайдо бўладиган рақобат муносабатларининг тавсифи ва мураккаблигини тўлиқ ёритиб бермайди. Улар ҳолатни умумий тарзда баҳолайди. Асосан, рақобатчилар ўртасида бозор улушининг тақсимоти ўрганилган, холос. Шу билан бирга улар бозорда

---

<sup>11</sup> Завгородняя А.А., Ямпольская Д.О. Маркетинговое планирование. – СПб.: Питер, 2002. – 352 с.; Моисеева Н.К., Анискин Ю.П. Современное предприятие: конкурентоспособность, маркетинг и обновление. – М.: Внешторгиздат, 1993. – 222 с.; Коротков А.В. Маркетинговые исследования. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005. – 304с.

иштирок этувчи корхоналарнинг баъзи имкониятларини тавсифлаши мумкин. Аммо рақобат ҳолатининг ривожланиш қонуниятлари, ўрганилаётган бозорда рақобат курашининг усуллари сингари жиҳатларни ҳам кўшимча ўрганиш корхонанинг рақобатбардошлик стратегиясини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади. Кўриб чиқилган кўрсаткич ва индекслар пахта толаси бозори конъюнктурасини тадқиқ этишда етарли бўлмайди ва улардан комплекс таҳлилнинг таркибий қисмлари сифатида фойдаланиш мумкин.

Шуларни ҳисобга олиб диссертацияда биз анъанавий кўрсаткичлар билан бирга динамик тавсифдаги кўрсаткичлардан фойдаланишни тавсия этамиз.

Бозор улушининг ўзгариш динамикаси кўрсаткичи  $t$  вақт оралиғида куйидаги формула билан аниқланади:

$$D_n(t) = \frac{\sum_{i=1}^n |\Delta OY_i|}{2OY}, \quad (1)$$

бунда:  $D_n(t)$  – пахта толаси бозорида  $t$  вақт оралиғида иштирокчининг бозор улуши ўзгариш динамикаси кўрсаткичи;

$\Delta OY_i$  – пахта толаси бозорида  $t$  вақт оралиғида  $i$ -турдаги ишлаб чиқарувчининг бозор улуши ўзгариши.

Пахта толаси бозоридаги ҳар бир иштирокчининг бозордаги улуши ўзгариши куйидагича аниқланади:

$$\Delta OY_i = OY_i(t_1) - OY_i(t_0), \quad (2)$$

$$t = t_1 - t_0, \quad (3)$$

бунда,  $OY_i(t_1)$ ,  $OY_i(t_0)$  – пахта толаси бозоридаги  $i$ -иштирокчи бозор улушининг мос равишда бошланғич ва охириги вақтдаги қиймати.

Кўрсаткич динамикаси миқдори куйидаги шартга жавоб бериши лозим:

$$0 \leq D(t) \leq 1. \quad (4)$$

Пахта тозалаш корхоналарининг фарқли хусусиятларидан бири шуки, ушбу корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари таркибида хомашё сарфи етарлича юқори улушни (85-90%) ташкил этади. Шунинг учун корхоналар рақобатбардошлигини ҳисоблаш жараёнида ушбу ҳолатга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Шундан келиб чиқиб, пахта тозалаш корхонаси рақобатбардошлигини баҳолашда унинг ишлаб чиқаришидаги муҳим белгилари ва рақобатбардошлик кўрсаткичларини ҳисобга олишга имкон берувчи ҳисоблаш услубини қўллаш мақсадга мувофиқ. Бу борада ҳозирги вақтда кенг тарқалган рақобатбардошликнинг интеграл кўрсаткичини аниқлаш услубидан фойдаланилади. Одатда, ушбу кўрсаткич рақобатбардошликнинг бирлик ва гуруҳ мезонлари кетма-кет ҳисобланиб, уларни умумлаштириш йўли билан аниқланади. Фикримизча, пахта тозалаш саноати корхоналари рақобатбардошлигини баҳолаш учун корхоналарни қиёсий рейтинг асосида баҳолаш услубидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Рақобатбардошликнинг рейтинг асосида қиёсий баҳолаш услубининг

моҳияти ўрганилаётган пахтани дастлабки қайта ишлаш корхоналари рақобатбардошлик кўрсаткичларини ҳисоблаш, тармоқдаги энг юқори натижага эришган корхона кўрсаткичлари ёки тармоқда энг юқори кўрсаткичлар қийматларидан шакллантирилган шартли-етақчи корхона билан таққослашдан иборат.

1-жадвалда бевосита рейтинг асосида қиёсий баҳолаш услуби босқичлари акс эттирилган. Зарур кўрсаткичларни аниқлаш жараёни бир неча ҳисоб-китоб ва таҳлил босқичларидан иборат.

Иқтисодий адабиётларда таклиф этилган товар рақобатбардошлиги кўрсаткичларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, улар устун равишда маълум ишлаб чиқариш соҳасига таянган бўлиб, умумий миқдорий мезон ролини эгаллай олмайди.

Биз тадқиқ этаётган пахта толасини дастлабки қайта ишлаш тармоғи ва унинг маҳсулотидаги фарқли хусусиятларини, пахта сифати ва нархи мезонларини ҳисобга олган ҳолдаги рақобатбардошликнинг интеграл кўрсаткичини ҳисоблашга таянувчи усул самарали ҳисобланади. Пахта толаси рақобатбардошлигини баҳолашдаги ушбу услубнинг ижобий томони шундаки, у истеъмол параметрларини аниқ чегаралайди, уларни баҳолашда кетма-кетликка риоя этилади, шунингдек товар рақобатбардошлиги бўйича аниқ бир хулоса қилишга имкон берувчи мезонга эга ҳисобланади.

Дастлаб муҳим рақобатбардошлик кўрсаткичларини гуруҳларга ажратиш лозим. Биз ўз тадқиқотларимизда ушбу кўрсаткичларни қуйидаги учта гуруҳга ажратдик: техник, иқтисодий ва ташкилий. Сўнгра ҳар бир гуруҳга кирувчи бирламчи ва жамлама кўрсаткичлар индексини ҳисоблаш амалга оширилади.

Истеъмол ва иқтисодий параметрлар бўйича умумлаштирилган рақобатбардошлик индекси пахта толасининг намуна корхонага нисбатан нисбий рақобатбардошлигининг интеграл кўрсаткичини беради. Бу кўрсаткич таққосланаётган товарларнинг истеъмол самаралари ўртасидаги фарқларни акс эттиради:

$$K = I_{\text{ист}} / I_{\text{икт}} \cdot \quad (5)$$

Агар  $K > 1$  бўлса, таҳлил қилинаётган пахта толаси рақобатбардошликда намунадан устун туради, агар  $K < 1$  бўлса, ундан паст,  $K = 1$  бўлса, тенг даражада туради.

Рақобатбардошликни ошириш учун истеъмолчилик параметрларини ошириб бориш, яъни  $I_{\text{ист}}$  ни кўпайтирган ҳолда иқтисодий (қиймат) параметрларини, яъни  $I_{\text{икт}}$  ни пасайтириб бориш зарур.

Шундай қилиб, ушбу пахта толаси рақобатбардошлигини баҳолаш услубини амалиётга татбиқ этиш пахтани дастлабки қайта ишлаш корхоналарида тола сифатини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишга яқиндан ёрдам беради.



**Пахтани дастлабки қайта ишлаш корхоналари рақобатбардошлигини  
рейтинг асосида баҳолаш услуги<sup>12</sup>**

Босқич номланиши	Ҳисоблаш формуласи
<p align="center"><b>1-босқич.</b> Тайёрлов босқичи</p>	Дастлабки зарур маълумотларни тўплаш
<p align="center"><b>2-босқич.</b> Дастлабки маълумотлар жадвалларини шакллантириш</p>	$A^k = \{a_{ij}^k\}$ $a_{ij}^k - j$ – пахтани дастлабки қайта ишлаш корхонасига тегишли $k$ – гуруҳдаги $i$ – алоҳида рақобатбардошлик кўрсаткичи қиймати: $i = 1, 2, 3, \dots, m_k; j = 1, 2, 3, \dots, n, n + 1; k = 1, 2, 3, \dots, K$
<p align="center"><b>3-босқич.</b> Шартли-етақчи корхона кўрсаткичларига нисбатан рақобатбардошлик кўрсаткичларини стандартлаштириш</p>	$\widehat{a}_{ij}^k = \frac{a_{ij}^k}{a_{in+1}^k}$ $\widehat{a}_{ij}^k - j$ – пахтани дастлабки қайта ишлаш корхонасининг $k$ – гуруҳи $i$ – стандартлаштирилган кўрсаткичи; $a_{ij}^k - j$ – пахтани дастлабки қайта ишлаш корхонасининг $k$ – гуруҳи $i$ – ҳақиқий кўрсаткичи; $a_{in+1}^k - (n + 1)$ – шартли-етақчи пахтани қайта ишлаш корхонасининг $k$ – гуруҳи $i$ – ҳақиқий танлаб олинган кўрсаткичи
<p align="center"><b>4-босқич.</b> Таққосланувчи пахта тозалаш корхоналари рақобатбардошлигининг жамлама гуруҳ кўрсаткичларини аниқлаш</p>	<p>1. <math>r_j^k = \sqrt{\sum_{i=1}^{m_k} (1 - \widehat{a}_{ij}^k)^2}</math>.</p> <p>2. Алоҳида кўрсаткичларнинг муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда</p> $r_j^k = \sqrt{\sum_{i=1}^{m_k} \beta_i^k (1 - \widehat{a}_{ij}^k)^2},$ <p><math>\beta_i^k - k</math> – гуруҳдаги <math>i</math> – кўрсаткич салмоғи коэффиценти,  <math>(\sum_{i=1}^{m_k} \beta_i^k = 1)</math>.</p> <p>3. Бирлик кўрсаткичлар ўртача геометрик қиймати сифатида</p> $r_j^k = \sqrt[m_k]{\prod_{i=1}^{m_k} \beta_i^k \cdot (1 - \widehat{a}_{ij}^k)}.$
<p align="center"><b>5-босқич.</b> Таққосланувчи пахта тозалаш корхоналарининг рақобатбардошлик интеграл кўрсаткичини ҳисоблаш</p>	<p>1. <math>R_j = \sum_{k=1}^K \mu^k \cdot r_j^k</math>,  <math>\mu^k</math> – рақобатбардошликнинг <math>k</math> – жамлама гуруҳ кўрсаткичлари салмоғи коэффиценти.</p> <p>2. Кенгайтирилган формула</p> $R_j = \mu^{пт} \cdot r_j^{пт} + \mu^{бф} \cdot r_j^{бф} + \mu^{имк} \cdot r_j^{имк}$ <p><math>r_j^{пт} - j</math> – пахтани дастлабки қайта ишлаш корхонасининг пахта толаси рақобатбардошлиги кўрсаткичи;  <math>r_j^{бф} - j</math> – пахтани дастлабки қайта ишлаш корхонасининг бозор фаоллиги даражаси;  <math>r_j^{имк} - j</math> – пахтани дастлабки қайта ишлаш корхонасининг ўз имкониятларидан фойдаланиш даражаси;  <math>\mu^{пт}, \mu^{бф}, \mu^{имк}</math> – омиллар муҳимлиги коэффицентлари</p>


<sup>12</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

Корхона рақобатбардошлиги маркетинг стратегияси самарадорлигини баҳолаш мураккаб жараён ҳисобланиб, ушбу баҳолаш учун ҳозирда мавжуд услубий ёндашувлар амалий ишлар учун қўллашга лойиқ эмас. Маркетинг салоҳиятидан фойдаланиш даражасини баҳолаш пахта тозалаш корхонаси рақобатбардошлик стратегиясини баҳолашнинг биз таклиф этаётган услубиётнинг асосий босқичларидан бири саналади. Пахта тозалаш корхонаси маркетинг салоҳиятидан фойдаланиш даражасини баҳолашнинг хусусий мезонлари сифатида қуйидагиларни ажратиш мумкин: ташқи муҳит ўзгаришига мослашиш қобилияти; рақобатга бардошлик ва унинг ошишини таъминлаш қобилияти; пахта тозалаш корхонаси маркетинг фаолиятининг ички имкониятларини кенгайтириш қобилияти. Дастлабки икки мезон корxonанинг рақобат мавқеи мазмунига мос келади. Учинчи мезон – пахта тозалаш корхонаси стратегиклигини баҳолаш. Бинобарин, маркетинг салоҳиятидан фойдаланиш даражасининг умумлашган баҳоси корхонадаги мавжуд маркетинг ресурслардан фойдаланишнинг танланган мезонлар бўйича миқдорий баҳолари йиғиндиси саналади.

Диссертациянинг «**Пахтани дастлабки қайта ишлаш корхонаси рақобатбардошлигининг маркетинг стратегиясини шакллантириш ва рақобатбардошлигини оширишнинг асосий йўналишлари**» деб номланган учинчи бобида жаҳон пахта толаси бозори конъюнктурасини таҳлил қилиш, пахтани дастлабки қайта ишлаш корхонаси ташқи ва ички муҳити омилларининг корхона рақобатбардошлигига таъсирини баҳолаш, SWOT-таҳлил асосида унинг кучли ва заиф томонларини аниқлаш, пахтани дастлабки қайта ишлаш корхонаси рақобатбардошлигини ошириш стратегиясини танлашни асослаш ва иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш масалалари ўрганилди.

Тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб, жаҳон пахта толаси бозори конъюктураси, хусусан, пахта толасини ишлаб чиқариш, уни истеъмол қилиш, экспорт ва импорт ҳажмлари, йил охиридаги захира қолдиғини ўрганиш амалга оширилди.

Жаҳон пахта толаси бозорини таҳлил қилиш натижаларига кўра, сўнгги беш йилликда асосан пахта толаси ишлаб чиқариш ҳажмининг асосий қисми етти мамлакатга тўғри келиб, 2015/2016 йиллар давомида жаҳонда жами ишлаб чиқарилган пахта толасининг 83,9 фоизи ишлаб чиқарилган (2-расм).



**2-расм. Жаҳондаги етакчи мамлакатларнинг пахта толаси ишлаб чиқаришидаги улуши (2015-2016 йиллар мавсумида, фоизда)<sup>13</sup>.**

<sup>13</sup> Муаллиф томонидан ICAC маълумотлари асосида тузилган.

Умуман, жаҳонда пахта толаси ишлаб чиқариш ҳажми 2011/2012 йиллар давомида 27,743 млн. тоннани ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2015/2016 йиллар давомида 23,380 млн. тоннани ташкил этган ёки 15,7 фоизга пасайган.

Ҳозирги вақтда жаҳонда ишлаб чиқарилаётган пахта толасининг 60 фоиздан кўпроқ қисми пахта толаси етиштирувчи мамлакатлар – ХХР, Ҳиндистон, Покистон, Ўзбекистон ва бошқа Марказий Осиё давлатлари ҳиссасига тўғри келади.

Жаҳон пахта толаси бозори конъюнктурасини таҳлил қилиш натижалари шундай хулосага олиб келадики, жаҳон пахта толаси бозорида унинг талаб ҳажмига нисбатан таклиф ҳажми пасайиши кузатилади; етакчи пахта етиштираётган мамлакатларда давлат томонидан пахта етиштиришни бошқаришни кучайтириш ҳисобига пахта толаси миқдори қисқариши вужудга келиш ҳолатлари рўй берган; пахта етиштирувчи етакчи мамлакатларда пахтачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариб, уни экспорт қилишга асосий эътибор қаратилмоқда; тўқимачилик саноати истеъмолчилари пахта толаси рақобатбардошлигига юқори талаб қўймоқда; пахта толасининг жаҳон бозорида нархи пасайиши кузатилмоқда; пахта толаси рақобатбардошлиги кескин ошмоқда. Айнан шу каби ҳолатни ҳамда жаҳон пахта толаси бозори конъюнктураси даражасига таъсир қилувчи омилларни ҳар томонлама таҳлил қилиш натижаларига асосланиб, республикамизнинг жаҳон пахта толаси бозоридаги рақобатбардошлигининг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш лозим.

